

ШАРТНОМА № 28

Наманган шаҳар

«02» ноябрь 2022 йил

«ODINSTROY TM» МЧЖ (қуйи матнда «БАЖАРУВЧИ») номидан корхона директори Н.Мирзаев бир томондан Наманган вилоят Куриклаш бошқармаси раҳбари Х.Э.Абдуллаев иккинчи томондан ушбу шартномани туздик.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1. Мазкур шартномага асосан «Бажарувчи» Наманган вилоят Миллий Гвардия Учқўрғон туман бўлимини жорий таъмирлаш ишлари шартнома шартлари асосида «Буюртмачи» га бажариб беради. «Буюртмачи» эса махсулотни ва кўрсатилган хизматни қабул қилиб олиш ва ушбу шартномада кўрсатилган муддат ва тартибларда ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. «Буюртмачи» га бажарилган ишни номи, техник кўрсаткичлари, миқдори, нархи ва суммаси ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» ўртасида тузиладиган спецификацияларда ҳисобланади. «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» ўртасида тузиладиган спецификациялардаги нархлар фақат шу спецификация учун амал қилади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ, ХИЗМАТ КУРСАТИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси шартнома тузилаётган санада 92 000 000 (тўқсон икки миллион) сўми ташкил этади.
- 2.2. «Буюртмачи» шартнома тузилиб, имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сметада кўрсатилган ишларни умумий қийматини 100% миқдорида олдиндан тулов амалга оширилади.
- 2.3. Махсулот ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан «Бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 2.4. Ўзаро келишув шартномаси имзолангандан сўнг, «Буюртмачи» томонидан шартноманинг 2.1. бандида кўрсатилган қиймат ўтказиб берилгандан сўнг, «Бажарувчи» 20 иш куни мобайнида таъмирлаш ишларини бажариб бериш мажбуриятини олади. Агарда зарурат бўлса «Буюртмачи» талабига биноан ёки келишилган ҳолда шартномани бажариш муддати ўзгариши мумкин. Шартномани бажариш муддатида об-ҳаво ва ва шарт шароитлар ҳисобга олинади.
- 2.5. «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи» га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммадаги кўрсатилган хизмат ва махсулотлар учун «Буюртмачи» билан ўзаро қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. ШАРТНОМА БАЖАРИЛИШИ

- 3.1. Мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажариш керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятларини таъминласа шартнома бажарилди деб ҳисобланади ва бажарилган ишлар бўйича ҳисоб-фактура, далолатнома тузилиб, хизмат ҳақининг олган қисми, агар қолган бўлса 2 (икки) банк иш куни ичида тулик ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.2. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгаришлар томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ киритилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. «Буюртмачи» «Бажарувчи» томонидан келган ходимларни иш олиб боришлари учун шароит яратиб беради ва уларни урнатишга амалий ёрдам беради.
- 4.2. «Буюртмачи» бажарилган иш ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштиради ва курсатилган ҳақларни ўз вақтида ўтказиб беришни таъминлайди.
- 4.3. «Бажарувчи» махсулотни «Буюртмачи» талабномаси асосида келишилган ишларни бажариб беради.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

- 5.1. Хизмат курсатиб бериш кечиктирилган ёки тулик хизмат курсатилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажармаган қисмининг 0,0 % и миқдорида пеня тулайди. Бироқ унда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган хизмат қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.2. Махсулот ва курсатилган хизмат учун ўз вақтида ҳақ туланмаган тақдирда «Буюртмачи» «Бажарувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,0 % миқдорида пеня тулайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган хизмат қийматининг 50% идан ортиқ бўлмаслиги керак.

- 5.3. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томон шартномани зарур тарзда бажаришдан ва курсатиб бериладиган хизматлар муддати кечиктирилиши ёки хизматни тулик курсатиб бермаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.
- 5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари амалдаги конун хужжатларига мувофик белгиланади.
- 5.5. Шартнома мажбуриятлари юзасидан «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида» ги конуни талаблари кулланилади.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Агар бир томондан курсатилган хизмат сифати микдори ва суммаси тугрисида узгариш булса, узаро келишувга асосан узгартириш киритилади.
- 6.2. Ушбу шартнома юзасидан ёки у билан боғлиқ холда тарафлар уртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар уртасида музокаралар (талабнома ёзиш) олиб бориш йули билан хал этилади.
- 6.3. Агар бир томонда шартноманинг шартларини бажара олмаслиги олдиндан маълум булса иккинчи томонга ёзма маълумот беради.
- 6.4. Музокаралар олиб бориш йули билан нисони хал этиш имконияти булмаган такдирда, Наманган вилоят Иктисодий судида куриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1. Форс-мажор холатида, жумладан ер кимирлаш, сел келиш каби табиий офатлар, Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги конун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатлари тарафлар мазкур шартнома ва қушимча келишувлар шартларини бажарилиши масъулиятини уз зиммасига олмайдилар.
- 7.2. Юзага келган форс-мажор ҳолатлар буйича томонлар бир-бирларини конунларда белгиланган муддатларда зудлик билан огохлантиришлари керак.

8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ҳамда «Бажарувчи» лар томонидан тасдиқланган ва шартномани томонлар имзолаган кундан бошлаб ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги томонидан тасдиқлангандан сунг кучга киради ва «31» декабр 2022 йилгача амал қилади.
- 8.2. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик тугалланган такдирдагина тухтатилади.

9. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома 2-нусхада тузилиб, икки нусхаси ҳам юридик хизматдан тенг хукукли ҳисобланади.

«БАЖАРУВЧИ» « ODINSTROY TM »МЧЖ

Манзил: Нам.шаҳар. Туракурғон куча, 194-уй
Тел: +99899 324 88 87
Х/р: 20208000605362368001
Банк: Асака банк Наманган бўлими
МФО: 00231. ИНН: 308308369



Директор:
М.У.

Н.Мирзаев

«БУЮРТМАЧИ»

Манзил: 18, Наманган шаҳри, Сирғали кўчаси, 20а-уй.
Тел: Х/р: 2159 6000 1001 9332 8001
Х/р: ХККМ "МАРКАЗИЙ БАНК" НАМАНГАН
МФО: 00 021. ИНН: 200 046 854
Банк: ҚКЕД: 84 240. Тел: +99 869 227 28 43

МФО: _____ ИНН: _____

Директор:

